

IX ҚУРУЛТОЙ  
ҚАРОРИ

2025 йил 1 ноябрь

№ IX-10

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2025 йил 17 октябрь куни  
Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан  
ўтказилган учрашувидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Уставининг  
4.5.1.- бандига мувофиқ IX Қурултой

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг  
2025 йил 17 октябрь куни Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ва  
фахрийлари билан ўтказилган учрашувидан билдирган таклиф ҳамда  
тавсияларини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” иловага мувофиқ  
тасдиқлансин (илова қилинади).


2. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бош кенгаши  
ушбу “йўл харитаси”нинг бажарилишини таъминласин.

Илова 16 варақда.


Раислик қилувчи



Қ.Рафиков



Қ.Рафиков



Қ.Рафиков

**Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси IX Қурултойининг  
2025 йил 1 ноябрдаги IX -10-сонли қарорига  
илова**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг  
2025 йил 17 октябрь куни Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари  
билан ўтказилган учрашувида билдирилган таклиф ҳамда тавсияларини амалга ошириш бўйича**

**“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

<b>Банд Т/р</b>	<b>Чора-тадбирлар номи</b>	<b>Амалга ошириш механизми</b>	<b>Ижро муддати</b>	<b>Ижро учун масъуллар</b>
1.	<b>Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига</b> оид қонунчилик ҳужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнига <b>Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама республика комиссиясини</b> (Касаба уюшмалари Федерацияси, Бандлик вазирлиги, Иш берувчилар конфедерацияси) жалб қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.	1. Мазкур масаладаги норматив ҳужжатларни таҳлил қилиш. 2. Таҳлиллар асосида тегишли норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш. 3. Таклифларни ўрнатилган тартибда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига тақдим этиш.	15 январь  20 январь  25 январь	Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими <b>(Исаев)</b>
2.	Маҳалла даражасидаги ишларни манзилли ташкил этиш, шу жумладан, “Аёллар дафтари” тизими доирасида <b>Касаба уюшмалари билан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш бўйича таклифлар</b> тайёрлаш.	1. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида маҳалла даражасидаги ишларни манзилли ташкил этиш, шу жумладан, “Аёллар дафтари” тизими доирасида ишларни ташкил этиш юзасидан ҳамкорлик Меморандумини имзолаш.	30 январь	Федерация раиси ўринбосари <b>(Абдумухторов)</b>  Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси <b>(келишув асосида)</b> Юридик бўлим <b>(Премкулов)</b>

		2. Ҳамкорлик меморандуми асосида маҳалла даражасидаги ишларни манзилли ташкил этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш.	2026 йил давомида	
3.	<b>Электрон платформаларда фаолият юритаётган фуқароларнинг</b> меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш, уларнинг ҳаёти, хавфсизлигини суғурталаш бўйича <b>асосланган таклифларни</b> ишлаб чиқиш.	1. Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган Платформа иқтисодиёти тўғрисидаги Конвенция лойиҳасининг ХМТ ва Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси билан ўтказиладиган муҳокамаларда иштирок этиш. 2. Халқаро меҳнат конференциясининг 114-сессиясида мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарор асосида ишлаб чиқилган таклифларни Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига киритиш. 3. Келишилган таклифларни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	май-июнь  15июнь  25 июнь	Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими <b>(Исаев)</b>
4.	<b>“Касаба уюшмалари – аёллар манфаати йўлида”</b> шиори асосида хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича янги тизимни жорий этиш юзасидан <b>чора-тадбирлар дастурини</b> тайёрлаш.	1. Мутасадди ташкилотлар вакилларида иборат ишчи гуруҳини шакллантириш. 2. Хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича янги тизимни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.	20 январь  февраль	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими <b>(Н.Гаибназарова),</b> Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими <b>(Исаев)</b>

		<p>Бунда меҳнат бозорида хотин-қизлар учун тенг имкониятлар яратиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга кўмаклашиш бўйича янги ёндашувларни жорий этиш чораларини белгилаш.</p> <p>3. “Хотин-қизларнинг меҳнат муҳофазаси услубий қўлланма” сини тайёрлаш.</p> <p>Бунда қуйидаги йўналишларда алоҳида нормативларни ишлаб чиқишни инobatга олиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- хотин-қизларнинг меҳнат шароитларининг гигиеник талаблари;</li> <li>- иш жойларида амалиёт ўтаётган ўқувчи ва талабаларнинг меҳнат хавфсизлиги;</li> <li>- фертил ёшдаги ва хомиладорлиги бор хотин-қизларнинг меҳнат шароитлари;</li> <li>- эмизикли боласи бор ва вояга етмаган фарзандини ёлғиз тарбиялаётган аёлларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш шартлари;</li> <li>- зарарли (ўта зарарли) ва хавфли (ўта хавфли) ишларда банд бўлган хотин-қизларнинг меҳнатига қўйилган асосий талаблар ва меҳнат хавфсизлигининг асосий кўрсаткичлари;</li> <li>- хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилишда имтиёз ва кафолатлар.</li> </ul>	<p>апрель</p>	
--	--	--	---------------	--

		4. Ижтимоий меҳнат масалалари бўйича Республика комиссиясининг “Меҳнат бозорида хотин-қизлар учун тенг имкониятлар яратиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга кўмаклашиш бўйича янги ёндашувларни жорий этиш”га оид тегишли қарорини қабул қилиш.	май	
5.	Меҳнат жамоаларидаги <b>гендерга оид аудит натижаларини муҳокама қилиш</b> , иш берувчилар билан биргаликда хотин-қизларга янада қулай <b>меҳнат шароитларини яратиш</b> бўйича амалий чораларни белгилаш.	<p>1. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясининг уч йиллик режасида белгиланган муддатларда Гендерга оид аудитни сифатли ўтказиб бориш.</p> <p>2. Аудит натижаларини меҳнат жамоаларида муҳокама қилиб борилишини таъминлаш.</p> <p>3. Аудиторлар гуруҳининг тавсияларини ташкилотлар томонидан кўриб чиқилишини ва тадбиқ этиш чоралари кўрилишини ташкил этиш.</p> <p>4. Аудит натижалари бўйича иш берувчилар билан биргаликда хотин-қизларга янада қулай меҳнат шароитларини яратиш.</p>	<p>2026 йил алоҳида график асосида</p> <p>ҳар чорак</p> <p>йил давомида</p>	<p>Меҳнат инспекцияси (<b>Қирғизалиев</b>)</p> <p>Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими (<b>Гаибназарова</b>),</p> <p>Тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Федерациянинг Худудий Кенгашлари</p>
6.	“ <b>Аёллар дафтари</b> ” орқали ёрдам кўрсатиладиган аёллар тоифаларига уй-жой ва яшаш шароитини яхшилашга, тиббий ва психологик ёрдамга муҳтож, <b>тазйиқ</b>	1. “Аёллар дафтари” тизимини янада такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш.	10 январь	Федерация раиси ўринбосари ( <b>Абдумухторов</b> )

	<p>ва зўравонликка учраган, ҳуқуқий ёрдамга муҳтож аёлларни ҳам қўшиш, жумладан, қишлоқ жойларида аёллар бандлиги ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш <b>дастурларини янада кенгайтиришни</b> назарда тутувчи <b>янги тизим</b> ишлаб чиқиш.</p>	<p>2. Қарор лойиҳасини “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими”да (project.gov.uz) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилишини таъминлаш.</p> <p>3. Қарор лойиҳасини белгиланган тартибда Адлия вазирлигига киритиш.</p> <p>4. Адлия вазирлиги хулосасини инобатга олган ҳолда ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>25 январь</p> <p>20 февраль</p> <p>1 март</p>	<p>Юридик бўлим <b>(Премкулов)</b> Ташкилий ишлар бўлими <b>(Исроилов)</b></p>
7.	<p>14 та тармоқ касаба уюшмалари бўйича тегишли соҳа ва тармоқларда <b>гендер тенгликни таъминлаш</b> бўйича <b>манзилли стратегиялар</b> ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	<p>1. Гендер тенгликни таъминлаш бўйича Ишчи гуруҳ тузиш.</p> <p>2. Тармоқларда гендер тенгликни таъминлаш ҳолатини таҳлил қилиш ва натижалар бўйича гендер тенгликни таъминлаш юзасидан 2026-2029 йй. мўлжалланган манзилли стратегияларни ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Тармоқ, ҳудудий жамоа келишувлари ҳамда жамоа шартномаларидаги “Аёлларнинг ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг меҳнатини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар” бўлими ижросини меҳнат жамоаларининг умумий йиғилишида кўриб чиқиш.</p>	<p>январь</p> <p>март</p> <p>2026-2029 йй. 1-чорак</p>	<p>Федерациянинг Хотин-қизлар кенгаши <b>(Тохтаева)</b> Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими <b>(Раҳманова)</b> Меҳнат инспекцияси <b>(Қирғизалиев)</b> Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими <b>(Гаибназарова)</b>, Тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари</p>

		<p>4. Иш берувчилар билан ҳамкорликда “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси” ва тармоқ стратегияси бажарилишини муҳокама қилиш.</p> <p>5. Аниқланган камчиликларни бартараф этиб бориш.</p>	<p>2026-2029 йй. 1-чорак</p> <p>2026-2029 йй. давомида</p>	
8.	<p><b>Иш берувчи ва ходим ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилишда</b> касаба уюшмаларининг</p> <p><b>яраштирувчи, мурасага келтирувчи</b> бўғин сифатидаги фаоллигини ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш.</p>	<p>1. Соҳага оид хорижий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотларининг амалиёти ва қонунчилигини ўрганиш.</p> <p>Бунда қуйидагиларга эътиборни қаратиш:</p> <p>а) қонун нормалари меҳнат низоларини судга қадар яраштирув институтида кўриб чиқишни тартибга солиниши;</p> <p>б) яраштирув комиссиялари касаба уюшмаларининг қайси бўғинларида фаолият юритилишига, комиссиянинг таркибига;</p> <p>в) процессуал тартибга;</p> <p>г) комиссия фаолиятининг натижадорлигига.</p> <p>2. Яраштирув жараёнининг натижадорлигига эришишни таъминлаш мақсадида рухшунос-мутахассислар билан маслаҳатлашув ўтказиш.</p> <p>3. Тармоқ ва ҳудудий Кенгашлар учун рухшунослар ва тажрибали судьялар иштирокида семинар тренинг ўтказиш.</p>	<p>январь</p> <p>март</p> <p>апрель</p>	<p>Юридик бўлим <b>(Премқулов)</b> Меҳнат инспекцияси <b>(Қирғизалиев)</b></p>

		<p>4. Федерация юридик клиникаси негизда яраштирув гуруҳини тузиш ва синов лойиҳасини ишга тушириш.</p> <p>5. Синов лойиҳасини натижаларининг таҳлили бўйича кейинги чораларни кўриш.</p>	<p>май-июнь</p> <p>август</p>	
9.	<p><b>Меҳнат фолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ҳисоботини юритиш, унинг сабабларини таҳлил қилиш, текшириш ва ечим топиш</b> бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш</p>	<p>1. Ахборот тизимини яратиш учун вазирлик ва идоралар ҳамда йирик ишлаб чиқариш корхоналари мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳини тузиш.</p> <p>2. Илғор халқаро тажрибаларни ўрганиш.</p> <p>3. Хорижий тажриба асосида ахборот тизимининг техник шартларини ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>Бунда қўйидагиларни назарда тутиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– бахтсиз ҳодиса ва касбга оид касалликлар ва уларга чалиниш ҳолатларига оид маълумотларни олишнинг ягона ахборот тизимини яратиш, сунъий интеллектни жорий этиб, бундай ҳолатларни тезкорлик билан аниқлаш;</li> <li>– бахтсиз ҳодисалар сабаблари ва тенденцияларини таҳлил қилиш асосида профилкатик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.</li> </ul>	<p>февраль</p> <p>март</p> <p>апрель-май</p>	<p>Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими <b>(Гаибназарова)</b></p>

		4. Ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда вазирлик ва идоралар билан келишиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	июнь	
10.	<b>1. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда тармоқ касаба уюшмалари ўртасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳаси ишлаб чиқиш.</b>	<p>1. “Давлат - иш берувчилар - меҳнат жамоалари” принципи асосида самарали мулоқот тизимини йўлга куйиш мақсадида тармоқ касаба уюшмалари ҳамда Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамаси қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>Бунда вазирлик, идоралар ҳамда тармоқ касаба уюшмалари коллегиял органларининг қўшма йиғилишини ўтказиб бориш ва йиллик қўшма дастур тасдиқлаш бўйича янги тизимни йўлга қўйиш назарда тутиш.</p> <p>2. Қарор лойиҳасини “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими”да (project.gov.uz) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилишини таъминлаш.</p> <p>3. Қарор лойиҳасини белгиланган тартибда Адлия вазирлигига киритиш.</p>	<p>2025 йил 15 ноябрь</p> <p>15 декабрь</p> <p>30 декабрь</p>	<p>Федерация раиси ўринбосари (<b>Абдумухторов</b>), Тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Юридик бўлим (<b>Премкулов</b>), Ташкилий ишлар бўлими (<b>Исроилов</b>)</p>

		<p>4. Адлия вазирлиги хулосасини инобатга олган ҳолда ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2026 йил 10 январь</p>	
	<p>2. Ҳудудий касаба уюшмалари маҳаллий ҳокимликлар билан <b>меҳнат шaroитларини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва касб касалликларининг профилактикаси</b> юзасидан ҳамкорликни янада мутсаҳкамлаш бўйича <b>“Манзилли дастур”</b> ишлаб чиқиш.</p>	<p>1. Тегишли мутасадди ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳини тузиш. 2. Ишчи гуруҳи томонидан “Манзилли дастур” лойиҳасини ишлаб чиқиш. 3. Ҳужжат лойиҳасини Тармоқ касаба уюшмалари ҳамда Ҳудудий кенгашлар томонидан тегишлилиги бўйича вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан бирга келишиш ва тасдиқлаш чораларини кўриш. 4. Ҳар бир содир бўлган ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни Н-1 шаклидаги далолатномалар нусхаларини йиғиш ва таҳлил қилиш. 5. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар бўйича таҳлилий бюллетень тайёрлаш ва мутасадди ташкилотларга тақдим этиш. 6. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий ахборот киритиш.</p>	<p>20 январь 20 февраль март  йил давомида ҳар чорак  10 июль, 2027 йил 10 январь</p>	<p>Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими <b>(Гаибназарова)</b>, Юридик бўлими <b>(Премқулов)</b>, Тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Федерациянинг Ҳудудий Кенгашлари</p>

11.	<p><b>Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича 2030 йилгача мўлжалланган Мамлакат дастури</b> лойиҳаси ишлаб чиқиш.</p>	<p>1. Мутасадди ташкилотлар вакилларида иборат ишчи гуруҳини тузиш.</p> <p>2. Ишчи гуруҳи томонидан ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда қуйидагиларни назарда тутиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– муносиб бандлик, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий суғурта, гендер тенглик, ёшлар ва инклюзивлик масалалари;</li> <li>– меҳнат муносабатларини рақамлаштириш, сунъий интеллект ва “яшил” иқтисодиётнинг жадал ривожланаётганлиги.</li> </ul> <p>3. Ҳужжат лойиҳаси бўйича Федерация хулосасини тайёрлаш.</p> <p>4. Хулосани ўрнатилган тарихда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига киритиш.</p> <p>5. Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича 2030 йилгача мўлжалланган Мамлакат дастурини имзолаш тадбирида иштирок этиш.</p>	<p>25 январь</p> <p>февраль</p> <p>5 март</p> <p>10 март</p> <p>25 март</p>	<p>Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими <b>(Исаев)</b>,</p> <p>Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими <b>(Гаибназарова)</b>,</p> <p>Юридик бўлими <b>(Премқулов)</b></p>
12.	<p><b>Ҳалол ва фидойи меҳнатни ҳамда меҳнат муносабатларида қонунийликни таъминлашга оид тарғибот ишларини кучайтириш бўйича медиа-режа</b> ишлаб чиқиш.</p>	<p>1. Йилнинг ҳар чораги учун алоҳида Медиа-режа ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Медиа-режа ижросини мониторинг қилиш.</p> <p>3. Ҳар ой якуни бўйича Медиа-режа ижроси бўйича маълумотни Федерация раҳбариятига тақдим этиш.</p>	<p>2025 йил 25 декабрь</p> <p>2026 йил йил давомида ҳар ойнинг 25-санасига</p>	<p>Матбуот хизмати <b>(Ўрмонбекова)</b></p>

13.	<p>1. Ҳудудларда ҳар йили биттадан <b>санаторий ва оромгоҳлар қуриш бўйича алоҳида дастур</b> ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	<p>1. Ҳокимликлар билан биргаликда замонавий лойиҳалар асосида ҳудудларда ҳар йили биттадан санаторий ва оромгоҳлар қуриш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш.</p> <p>Бунда санаторий ва оромгоҳларни барпо этиш ишларини касаба уюшмалари билан биргаликда ёки давлат-хусусий шериклик ёрдамида замонавий лойиҳалар асосида амалга оширишни назарда тутиш.</p> <p>2. Ишлаб чиқилган дастурларни тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>январь</p> <p>февраль</p>	<p>Капитал қурилиш бошқармаси (<b>Фозилов</b>), Санатор-курортлар бош бошқармаси (<b>Ахмедов</b>), Оромгоҳлар департаменти (<b>Абдумухторов</b>), Федерациянинг Худудий Кенгашлари, Юридик бўлим (<b>Премкулов</b>)</p>
	<p>2. 2026 йилда Хоразм вилоятида <b>намунавий санаторийни</b> барпо этиш ва унинг асосида <b>“Хоразм тажрибаси”</b>ни яратиш.</p>	<p>1. Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда ҳудудда замонавий лойиҳа асосида санаторий барпо этиш ҳамда “Хоразм тажрибаси”ни яратиш бўйича таклифларни тайёрлаш.</p> <p>2. Таклифларни мутасадди ташкилотлар билан келишиш.</p> <p>3. Ҳудудларда санаторий барпо этиш бўйича “Хоразм тажрибаси” бўйича таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>январь-февраль</p> <p>10 февраль</p> <p>25 февраль</p>	<p>Капитал қурилиш бошқармаси (<b>Фозилов</b>), Санатор-курортлар бош бошқармаси (<b>Ахмедов</b>), Федерациянинг Хоразм вилоят Кенгаши</p>
14.	<p>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг марказий қисмларида <b>касаба</b></p>	<p>1. Мутасадди ташкилотлар вакилларида иборат ишчи гуруҳини тузиш.</p>	<p>январь</p>	<p>Капитал қурилиш бошқармаси (<b>Фозилов</b>),</p>

	<p><b>уюшмалари боғлари</b> ташкил этиш.</p> <p>Ҳар бир ҳудудда <b>касаба уюшмалари боғларини</b> ташкил этиш мақсадида белгиланган тартибда касаба уюшмалари ҳудудий Кенгашлари билан келишган ҳолда ер майдонлари ажратиш.</p> <p>Касаба уюшмалари ҳудудий Кенгашлари томонидан ушбу боғларни ташкил қилишга бош-қош бўлиб, уларни сўлим гўшага айлантириш ва уларда <b>меҳнатни улуғловчи рамзий мажмуа</b> ўрнатиш чораларини кўриш.</p>	<p>2. Ҳокимликлар билан биргаликда боғлар учун ажратиладиган ер майдонлари бўйича таклифлар тайёрлаш.</p> <p>3. Боғлар ҳудудида меҳнатни улуғловчи рамзий мажмуалар лойиҳаси намунавий концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>4. Намунавий концепция асосида ҳудудларда рамзий мажмуалар лойиҳаларини тайёрлаш.</p> <p>5. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ижрога қаратиш.</p>	<p>1 февраль</p> <p>15 февраль</p> <p>1 март</p> <p>15 март</p>	<p>Федерациянинг Ҳудудий Кенгашлари</p>
15.	<p><b>Корхона ва ташкилотларда</b> касаба уюшмалари ташаббуслари билан ишхона ва маҳаллаларда <b>яшил ҳудудларни кенгайтириш</b> ҳамда <b>тозалик ва ободончилик</b> ишлари ташкил қилиш.</p> <p>Корхона ва ташкилотлардаги касаба уюшмалари жамоалари ўртасида <b>“Экологик фаол касаба уюшмаси жамоаси”</b> танловини ўтказиш.</p>	<p>1. Корхона ва ташкилотлар ҳудудида, маҳаллаларда яшил майдонларни кенгайтириш ҳамда ободонлаштириш ишларини ташкил этиш бўйича режа ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Режа асосида яшил майдонларга экилган кўчатлар ҳисобини ва парваришини олиб бориш.</p> <p>3. Амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чорак якуни бўйича маълумотни Федерация раҳбариятига тақдим этиш.</p> <p>4. “Экологик фаол касаба уюшмаси жамоаси” танлови Низомини ишлаб чиқиш.</p>	<p>февраль</p> <p>йил давомида</p> <p>ҳар чорак</p> <p>февраль</p>	<p>Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими <b>(Р.Карабаев)</b></p> <p>Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими <b>(Н.Гаибназарова)</b></p>

		5. Туман (шаҳар) кесимида танловни ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш.	март-май	
16.	<b>Эркин иқтисодий зоналарда</b> ёш фарзанди бўлган хотин-қизларга муносиб иш ўринларини яратиш мақсадида уларнинг фарзандлари учун турли <b>ижтимоий объектлар</b> (боғча, спорт зали, болаларга вақтинчалик қараб туриш хизматлари кабилар) барпо этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	1. Мутасадди ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳини шакллантириш. 2. Эркин иқтисодий зоналарда ишлайдиган ва ижтимоий объектларга эътиёж мавжудлигини ўрганиш. 3. Ўрганиш натижаларига кўра ижтимоий объектлар барпо этиш юзасидан таклиф ишлаб чиқиш.	январь февраль-март апрель	Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши <b>(Мухамедов)</b>
17.	<b>Ўзбекистон иш берувчилари конфедерациясига</b> бино (жой) ажратиш ва Конфедерацияни молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари кўриш.	1. Ўзбекистон иш берувчилари конфедерациясига бино ажратиш ишларини мониторингини амалга ошириш. 2. Конфедерацияни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда иштирок этиш.	январь-март февраль	Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими <b>(Исаев)</b>
18.	<b>Курорт ва дам олиш масканларининг</b> хорижий меҳмонларни жалб қилишга қаратилган турли ижтимоий тармоқлардаги <b>таргет рекламалари</b> учун тўловларини амалга ошириш тартибини соддалаштириш (корпоратив виза картаси орқали тўлов қилиш имконини бериш) бўйича тегишли норматив ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқиш	1. Таргет рекламалари фойдаланиш борасида муаммоларни тасарруфдаги етакчи санаторийлар билан муҳокама қилиш ва таклифларни тайёрлаш. 2. Курорт ва дам олиш масканларининг хорижий меҳмонларни жалб қилишга қаратилган турли ижтимоий тармоқлардаги таргет рекламалардан фойдаланиш, унга тўловни амалга ошириш бўйича тегишли вазеликларнинг масъул ходимлари билан муаммоларини	январь февраль	Санатор-курортлар бош бошқармаси <b>(Ахмедов)</b>

		<p>шакллантириш.</p> <p>3. Таргет рекламалари учун тўловларини амалга ошириш тартибини соддалаштириш (корпоратив виза картаси орқали тўлов қилиш имконини бериш) бўйича тегишли меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	март	
19.	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси <b>курортология</b> йўналишида <b>илмий тадқиқотларни кучайтириш</b> чораларини кўриш.	<p>1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Курортология илмий-амалий марказида илмий тадқиқотларни ривожлантириш борасида иш режасини (бунда илмий кенгаш тузиш, устувор илмий тадқиқот мавзуларини аниқлаш, малака ошириш курсларини ташкил қилиш ва бошқалар), илмий ходимлар штат жадвалини тасдиқлаш ва илмий ходимларни иш ҳақлари учун маблағ ажратиш.</p> <p>2. Касаба уюшмалари тасарруфидаги санаторий ходимларидан 2 нафарининг илмий мавзуларини тасдиқлаш.</p> <p>3. Мавзулари тасдиқланган ходимлар томонидан илмий тадқиқотларни амалга ошириш.</p>	<p>январь</p> <p>февраль</p> <p>март-декабрь</p>	Санатор-курортлар бош бошқармаси ( <b>Ахмедов</b> )
20.	<b>Сўх туманини</b> ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, хизматлар кўрсатиш ва туризм	1. Мутасадди ташкилотлар вакилларида иборат ишчи гуруҳини ташкил этиш.	январь	Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими ( <b>Карабаев</b> ),

	соҳасини такомиллаштириш, туманда қўшимча янги иш ўринларини яратиш бўйича <b>2026-2027 йилларга мўжалланган дастур</b> ишлаб чиқиш.	2. Ишчи гуруҳи томонидан Дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш. 3. Дастур лойиҳасини ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш ва тасдиқлаш.	февраль март	Федерациянинг Фарғона вилоят Кенгаши <b>(Нуриллаев)</b>
21.	Республикада сув спортини янада ривожлантириш ва аҳоли ўртасида оммалаштириш бўйича тегишли ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқиш.	1. Спорт вазирлиги томонидан сув спортини янада ривожлантириш ва аҳоли ўртасида оммалаштириш бўйича тегишли ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқиш. Бунда мураббийларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, соҳага халқаро миқёсдаги малакали мураббий-тренерларни жалб қилиш масалаларини назарда тутиш. 2. Тегишли ташкилотлар билан келишган ҳолда ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш. 3. Қабул қилинган ҳужжат ижроси бўйича мониторингни амалга ошириш ва ҳар ой якуни юзасидан Федерация раҳбариятига маълумот тақдим этиш.	январь февраль ҳар ой якунида	Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими <b>(Карабаев)</b> , “Uzbekistan Aquatics” Федерацияси <b>(Мустаев)</b> (келишув асосида)
22.	<b>Паҳлавон Маҳмуд</b> ижодига мансуб бўлган <b>рубойларни тиклаш</b> , унга тегишли <b>тарихий қўлёзмаларни</b> Ўзбекистонга қайтариш чораларини кўриш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқиш.	1. Маданий мерос агентлиги томонидан Паҳлавон Маҳмуд ижодига мансуб бўлган рубойларни қайта тиклаш, унга тегишли бўлган тарихий қўлёзмаларни Ўзбекистонга қайтариш бўйича таклиф ишлаб чиқиш. 2. Таклифларни ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш.	январь февраль	Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими <b>(Карабаев)</b>

23.	Иш режа ижроси <b>мониторингини</b> олиб бориш.	<p>1. Иш режасининг йўналишлари бўйича масъуллар томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш.</p> <p>2. Иш режаси ижросини таъминлаш бўйича таҳлилий маълумотни Федерация раисига киритиш.</p>	<p>ҳар ой якуни бўйича</p> <p>ҳар чорак якуни бўйича</p>	<p>Федерация аппарати <b>(Салиев)</b>, Иш режасида кўрсатилган масъуллар</p>
-----	---	---	--	--

  
 (Abdurrahmon)

  
 (Abdurrahmon)